

## Судьялик улкан масъулият демакдир.

*Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,  
Хуш ул кишиким, адл сифати бўлмиш.*

*Навоий*

Судьяларнинг вазифаси ва масъулияти, жамиятда адолатни қарор топтиришдаги ўрни, инсон судья бўлиб ишлаши учун қандай талабларга жавоб бериши лозим, деган масала кишилик тараққиётининг барча даврида кенг жамиятчилик эътиборида бўлиб келган. Шунингдек, судьяларни танлаш масаласига ҳам ўта муҳим масала сифатида қараб келинган.

Жамиятда кимлар судья бўлиб ишлаши, уларнинг дунёқараши ва билим даражаси – жамият тинчлиги ва осойишталигига бевосита таъсир этувчи, қонун устуворлиги, адолатни таъминланишида ўта муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, судьялик-бу ўта улкан масъулият деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизда фаолият юритаётган барча судьялар билан учрашувда, **“Судьянинг онгида – адолат, тилида-ҳақиқат, дилида-поклик бўлиши керак”**, деган талабни бежиз қўймадилар.

Жумладан, ўз даврида А.Навоий ҳазратлари ҳам “Маҳбуб ул-қулуб” асарида қозилар (судьялар) тўғрисидаги масалага алоҳида ва батафсил тўхталганлар.

Ҳазрат, *“Қози мусулмонлик биносининг таянчидир ва мусулмонларнинг яши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хотири хабардор бўлиши керак. Хамирида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи бўлиши лозим. Қозининг маҳкамаси шарият илмининг хазинаси бўлмоғи; у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим. Унинг билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шуқуҳ; ишга диққат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишидан бедийнат-виждонсизларнинг юрагида ғам-андуҳ; кўнгли ҳақ каломлари билан кучли; ҳукмлари ҳадисларга асосланган. У шаръий ҳийлаларни ўз кўнглига, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали алдовларини эса замирига йўлатмаслиги керак; порахўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор; ҳийлагар вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур.*

*Агар илмсиз қози ичкиликхўр бўлса, уни ўлдирмоқ керак ва дўзах ўтига етмасданоқ куйдирмоқ керак. Агар қози порахўр бўлса, ислом дини қўрғонига раҳн солувчи бўлади; агар у ўзи пора бериб, қозилик мансабига ўтирган бўлса, пора эвазига шарият қонунини буза олади.*

*Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги-тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир, тўғри чизиқ оғдирилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созланмаган бўлса, овози бузилади. Моддомики, ҳукми*

*элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим.*

*Қозининг оёғи тўғрилиқ кўпригидан четга тояр экан, жони жаҳаннам тубида бўлади. Қозилиқ ишини қандай хоҳласам, шундай қиламан дейиш ҳаёсизлик ва ёлғондир.”*, деб қайд этганлар.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, судьянинг иш бўйича қабул қиладиган қарори одамлар, инсон тақдири билан боғлиқ бўлиб, тўғри ва адолат нуқтаи назаридан қабул қилинган қарор жамият тинчлиги, осойишталигини таъминлашга хизмат қилса, аксинча адолатдан зарра чекинган холда қабул қилинган қарор-нафақат иши судда кўрилган тарафлар тақдирига, балки бутун жамиятга салбий таъсир этади. Одамларнинг судга ва алал оқибат мавжуд тузумга нисбатан ишончсизлиги ва норозилигини келтириб чиқаради.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзияевнинг бевосита раҳбарлигида жамиятда адолатни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ислоҳатлар, хусусан судлар мустақиллигини таъминлаш, суд ишларига ҳар қандай аралашувларга барҳам бериш борасида қабул қилинган қонун ва қарорлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Буни, ўз бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш борасида судларга мурожаатлар кўпайганлигида ва уларнинг судлар томонидан қонуний ҳал этилаётганида, судлар томонидан ноҳақ айбланган фуқаролар оқланаётганида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Олий Мажлисга мурожаатномасида **“жамиятимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш”** борасида гапирдилар. Ва, **“тинимсиз ўқиб-ўрганиш”** тўғрисида, **“чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”** лиги, **“ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси қилиб тарбиялаш”** масалаларига тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, 2020 йилни илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эътироф этганликлари;

ҳамда **“Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак... Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим”**, деб такидлаганлари ҳам бежиз эмас.

**Бу судьялар зиммасига улкан масъулият юклайди.**

Табийки, судья ўзига юкланган масъулиятли ва шарафли вазифани талаб даражасида амалга ошириши учун қандай инсон бўлиши керак, деган савол юзага келади.

Судьянинг биргина қонунларни мукамал билишининг ўзи етарли эмас, гап судьянинг ўз ички туйғу, маънавий дунёқарашидан келиб чиқиб, қонунларни қандай қўллашидадир.

Судья-ҳам одам, бошқалардан фарқли жиҳати олган билими ҳамда давлат, давлат раҳбари томонидан одамлар тақдирини ҳал қилишдек ўта масъулиятли ваколат берилганидадир. Ҳар қандай судьялик вазифасига тайинланган шахс-судья, ана шу берилган ваколат масъулиятини тўла англамоғи лозим. Унинг ҳар қандай ҳаракати қонунга асосланган ва адолатли бўлиши шарт. Устоз У.Қ.Минбоев қайд этганларидек, **“Судьялик касб, лавозимгина бўлиб қолмай, аввало, инсонийлик”, “Судьялик-қонун ва адолатни қарор топтириш ваколоти”** –эканлигини судья қалбан ҳис этиши лозим.

Судья одил судловни амалга оширишда, қонунларни инсон манфаати юзасидан талқин этиши керак, яъни судья қабул қиладиган қарорлар энг аввало инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Судьянинг фаолияти инсон тақдири билан боғлиқ экан, судья *“ишни бугун бўлмаса эртага кўрарман, мен хато қилсам, юқори суд хатомни тузатар, ишим кўп, хатоликка сабаб бор, баҳоли қудрат вазифамни бажараянман-ку”*, деб фикр юритишга, ўйлашга ҳаққи йўқ. Бу ўта масъулиятсизликдан, бошқалар тақдирига бефарқликдан далолат беради. Судья ўзи кўрадиган ишга ўта масъулият билан ёндошиши, ишни ҳар томонлама холис ўрганиши ва мушоҳада этиши, керак бўлса, ўзини судланувчи, жарбланувчи ёки даъвогар ва жавобгар ёинки ҳуқуқбузарлик содир этган ёки унинг жабрланувчисига айланган шахс ўрнига қўйиб кўриши лозим бўлиб, бу билан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик ва адолатсизликнинг олди олинадди.

Шунингдек, судья ўз билимини, соғлом фикр ва ақлий салоҳиятини ошириб бориш устида мунтазам ўқиб-изланиши шарт, шунингдек қонунларни мукамал билиш билан бир вақтда уни тўғри қўлай билиш бўйича амалий кўникма-тажриба ортириб бориши лозим.

Дарҳақиқат, судьянинг ўзига юкланган жамиятда қонун устуворлигини таъминлан, адолатни қарор топтиришдек улкан вазифани амалга ошириши - унинг маънавий дунёқарашига ҳам боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам, судья, ўз маънавиятини бойитиш, яъни кундан-кун руҳан покланиш, маънавий юксалиш ҳамда виждон ва иродани тоблаш, иймон-эътиқодни бутлаш, бир сўз билан айтганда комилликка эришиш борасида ҳам ўз устида доимий ишлаши талаб этилади. Ва, бунда фикримизча, умрнинг, эгаллаб турган амалининг ўткинчилигини унутмаган холда ўз виждони олдида ҳисоб бериб боришни ўрганиши керак.

Бунда, буюк аждодларимиз, А.Навоий, А.Яссавий, Ф.Аттор, А.Ғаззолий, Ж.Румий, Х.Ат-Термизий, Б.Нақшбанд, Юсуф Хамадоний, А.Ғиждувоний, Имом Мотрудий, Ҳасан Басрий, М.Замаҳшарий, Иброҳим Адхам, Боязид Бостомий, А.Насафий ва қатор бошқа алломаларимизнинг ҳаёт йўли ва ижоди билан танишиб бориш ҳам, шубҳасиз судьянинг маънавий юксалишида жуда катта ва муҳим омил бўлади.

Судья –одил судловни амалга ошириш - ҳар бир ишни адолатли ҳал этишда ўзини вояга етказган, ҳам билим ва мартаба берган ўз халқи олдидаги шахсан жавобгарлиги ва масъуллигини доим ёдда тутиши зарур.

*Ёдгоров Х,  
Олий суд раисининг ўринбосари.*